


Мусулмон олимлар дунёга совға қилган ихтиролар: Қўлқоп - таржимон



07:18 / 09.08.2018 4643

Вашингтон университети талабаси Навид Азоди курсдоши Томас Прайор билан биргаликда ёзма ёки оғзаки нутқни имо-ишоралар тилига таржима қилиб берадиган қўлқоп ихтиро қилди. Ёш ихтирочилар ушбу қўлқопни имо-ишоралар тилида гаплашувчи кишилар ҳам бошқа олам билан боғлана олсин деган мақсадда яратганини айтишди. Улар мазкур ихтироси учун Массачусети технология университети мукофотиغا сазовор бўлдилар.

«Дастлаб бизни соф техник муаммо жалб қилди ва биз уни бартараф этиш йўллари қидирдик. Айти шу вақтда инсоннинг мулоқот қилиш ҳуқуқи ҳам эътиборимизни тортиб қолди ва буни амалга ошириш мумкин, ахир инсонлар кўпчилик билан мулоқот қилишни исташади-ку, деган қарорга келдик», дейди улар.

Қўлқопга ўрнатилган сенсор ҳаракатлар ва имо-ишораларни тўлқинларда мутаносиб ҳолга келтиради, кейин ахборотни симсиз алоқа орқали ҳаракатлар билан сўз бирликларини ўзаро мувофиқлаштириб, якуний

иборалар ясайдиган компьютерга жўнатади. Кейин эса ўша ибора сўзловчи томонидан жаранглайди ёки ёзув нутқига айланиб қолади.

Имо-ишоралар тилидан таржима қилишнинг бошқа техник воситалари ҳам мавжуд. Бироқ улар фойдаланиш учун унчалик қулай эмас. Азоди ва Прайор ушбу воситани имкон қадар соддалаштиришга ва қулайроқ қилишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг қўлқопи ихчам, фақат кафтни ёпади ҳамда ундан эшитиш апарти ва контакт линза сифатида фойдаланиш мумкин.

Muslim.uz